



ЎТМИШДАГИ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР ОПЕРАТИВ САНЪАТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Д.С. Каримов - полковник,
ЎР Қуролли Кучлар Академияси,
ҳарбий санъат кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақола, ўтмишдаги турли қуролли можароларда оператив санъатни яралишига (пайдо бўлиши) ва шаклланишига сабаб бўлган омиллар ҳамда ўтмиш ва замонавий қуролли можароларда ривожланиб борилгани бўйича олиб борилган қисқа тахлил натижаси хавола этилган. Бунда, оператив санъат қўшинлар таркиби, ҳарбий техника ва қуролларни ҳамда бошқарув техник воситаларининг ривожланишидан қанчалик тобелиги кўрсатилган.

Annotation: In given article is organized short analysis of the shaping and origin operative art in different armed conflict past, as well as reasons and factors affected development and improvement operative art in modern armed conflict. Dependency of the improvement operative art is Shown from development of the military technology and armses, facilities of management and composition of the trooopses.

Аннотация: В данной статье проведен краткий анализ формирования и возникновения оперативного искусства в различных вооруженных конфликтах прошлого, а также причины и факторы повлиявшие развитию и совершенствованию оперативного искусства в современных вооруженных конфликтах. Показана зависимость совершенствования оперативного искусства от развития военной техники и вооружения, средств управления и состава войск.

Калит сўзлар: ҳарбий-илмий-техник тараққиёт, ҳарбий санъат назарияси, климатик, сейсмик, биологик таъсирлар, ноанавий, гибрид урушлар, уюштирилган зўравонликнинг омиқтаси.

Keywords: the military-scientific-technical progress, theory of the martial art, climatic, seismic, biological influence, notradition, hybrid of the war, mixture of the organized violence.

Ключевые слова: военно-научный-технический прогресс, теория военного искусства, климатическое, сейсмическое, биологическое воздействие, нетрадиционные, гибридные войны, смесь организованного насилия.

Ўтмишда бўлиб ўтган урушлар ва қуролли тўқнашувлар (низолар)ни англаш жараёнида ҳарбий-назарий илмий фикрлар (қарашлар) пайдо бўлди ва ривожланиш рўй берди. Охир-оқибат бу фикрлар илмий назария ва концепцияларнинг бутун бир асоси сифатида шаклланди. Ҳарбий соҳадаги



тадқиқотлар илмий мақомга эга бўлди ва кейинчалик урушлар билан боғлиқ жараён ҳамда ҳодисаларни илмий-назарий асосда тушуниб етишга кенг имкониятлар очиб берди.

Уруш ва армиялар пайдо бўлган вақтдан ривожланиб келаётган стратегия ва тактикандан фарқли ўлароқ, оператив санъат сезиларли даражада кечроқ пайдо бўлди.

Оператив санъатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги саволга аниқ бир жавоб бўлмаса-да, бироқ баъзи бир ҳарбий тарихчилар уни пайдо бўлиши ва ривожланишини Наполеоннинг ғалабали Йенск кампанияси билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Бошқа ҳарбий тарихчилар оператив санъатнинг илдизини оммавий саноатлаштириш, ўт очиш ва манёврлар ҳамда армияларни бошқаришдаги инқирозлар билан алоқадор ҳарбий кампанияларни ўз ичига олувчи анча кейин бўлиб ўтган урушлардан қидирадилар.

Шу билан бирга, ҳарбий санъатни ривожланиш босқичлари ўртасидаги аниқ белгиланган чегаралар мавжуд эмаслиги боис, аниқ бир даврдан излаш мантиқан тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз.

Оператив санъатнинг шаклланиши асосан XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларидағи урушларда ёрқин намоён бўлди. Мисол учун, Рус-Япон урушидан сўнг Россиянинг прогрессив ҳарбий назариётчилари миқёсига кўра тактика доирасидан катта, шу билан бир қаторда стратегик ҳисобланмайдиган ҳарбий ҳаракатларни, ҳарбий санъатнинг мустақил қисми сифатида ажратишни биринчилардан бўлиб таклиф қилдилар.

Улар буни “армия жанги” ёки “йирик оммавий жанг” деб номлаганлар. 1922 йилдан бошлаб “оператив санъат” тушунчаси (лотинчадан “орегатіо” — ҳаракат) ҳарбий адабиётларда кенг қўлланила бошланди, 1924 йилдан эса Собиқ Иттифоқ ҳарбий Академияси ўқув жараёнига алоҳида фан сифатида киритилди.

“Оператив санъат” тушунчаси Америка ҚКнинг FM-100-5 низомига 1986 йили киритилди, 2001 йилда эса ушбу низомга сезиларли ўзгартиришлар киритилди ва кенгайтирилди.

Ҳарбий санъат йўналишида олиб борилган ҳарбий илмий тақиқодлардаги эришилган ютуқлар ва янги технологиялар ҳарбий можароларни умумэътироф этилган қонун ва қоидаларга зид равишда турли шаклларда олиб боришга имкон яратмоқда. XIX аср оҳиридан XXI асрнинг бошланишига қадар юқори аниқликдаги ҳужумга қаратилган қуроллардан ер, сув ва ҳавода олиб бориладиган агрессив ҳаракатлардан тактик, оператив-тактик, оператив ва стратегик даражада сиёсий маконнинг яхлитлигини сақлаш, инфратузилма фаолиятини асраш, аҳолини ҳимоя қилиш йўлларида олиб борилган стратегик ҳаракатларда ифодаланган бўлса, бугунга келиб яъни XXI асрда, замонавий ва

истиқболда ахборот, климатик, сейсмик, биологик мазмун касб этиб, ресурсларни қўлга киритиш учун истиқболда қўлланилиши эҳтимол қилинадиган турли миқёсдаги хужумлардан аввалом бор онгни ҳимоя қилиш, минтақа аҳолисининг жисмоний, маънавий ва психологик саломатлигини сақлаш, бино ва бошқа иншоотлар ҳамда тузилмаларни асраршга қаратилган сайд-харакатларда ифодаланаётганини кўришимиз мумкин.

Ушбу ҳарбий-илмий - техник тараққиётидаги ютуқлар одамзод ривожини янги сиффатли даражага олиб чиқиб, қонсиз лекин ўта хавфли ҳарбий харакатлар олиб бориш имконига эга кибермакон яралишига олиб келди. Буларни бугун оммавий тартибсизлик ва хаосларни келтириб чиқаришга сабаб бўлаётганини кузатмоқдамиз.

Таҳлиллар, ҳарбий санъат назарияси ва амалиёти ривожига XX аср иккинчи ярми ва XXI асрнинг ўтган салкам чорракида бўлиб ўтган ва олиб борилаётган қўп сонли локал уруш ва қуролли низолар катта таъсир кўрсатганидан далолат бермоқда.

Тарихий тажриба, ҳар бир локал уруш ва қуролли низо бетакрор ҳодиса эканини, улар аниқ, бошқасига ўхшамаган ҳудуд ва шароитда, ўзига хос бўлган ижтимоий-сиёсий вазиятда, қурол-яроғ ва ҳарбий техника ривожланишининг муайян босқичида, шунингдек уларни қўллай олишнинг турли даражаси билан бошлангани ва олиб борилганини кўрсатмоқда. Бундан хулоса қилиб, ҳарбий санъатнинг фақат “танланган” андозаларини уларга қўллаб бўлмаслигини айтиш мумкин.

Негаки, ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий, илмий (ақлий), техникавий, ҳарбий, молиявий, геосиёсий ва маданий каби ресурсларини ҳамда реал ва потенциал хавфларни инобатга олган ҳолда мудофаавий кудратини шакллантиради. Шу боисдан, аниқ бир мамлакатнинг мудофаавий барқарорликни ёки тинчлигининг таъминланганлиги бошқа бир мамлакат билан қиёслаб, ўтмишдаги жараёнларни шарҳлашнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг аниқ методологияга таянган ҳолда, ўлчов мезонларига эга бўлган методлардан восита сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳарбий фаннинг сабоқларидан маълумки, ҳарбий санъат назарияси ва амалиётида оператив санъат стратегия ҳамда тактиканинг ўртасидаги ўринни эгаллайди. У стратегиядан келиб чиқади ва унга бўйсинади.

Ўз ўрнида, тактикага нисбатан етакчи ўринни эгаллаб ва унинг вазифалари ҳамда ривожланиш йўлларини белгилайди. Тактиканинг ривожланиши, жанг олиб боришнинг янги усусларини пайдо бўлиши оператив санъатга ўз таъсирини ўтказади, бу эса стратегиянинг ривожланишига асос бўлади.

Булар ўз навбатида Қуролли Кучлар олдига қуйидаги хусусиятга эга бўлган вазифаларни қўяди:

ноанъанавий характерга эга бўлган хавф ва таҳдидларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

турли даражаларда хавфсизликни таъминлаш учун мобил кучларга эга бўлиш;

классик тактикандан холи бўлган жанг усулларини ишлаб чиқиш ва қисмларни бошқариш услубиётини яратиш кабилар.

Ҳарбий санъатнинг юқорида кўрсатилган таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлик хусусияти доимий эмас. У бир қанча омилларга боғлиқ: қарама-қарши курашаётган томонларнинг қўшин (куч)ларининг ташкилий штат тузилиши, таркиби ва ҳолатига; потенциал душманнинг ҳарбий (жанговар) ҳаракатларни олиб бориш усулларига қараашлари; ҳарбий ва қуролли низоларнинг тажрибалари; давлатнинг ҳарбий доктринаси ва бошқалар.

Замонавий шароитларда дунёнинг ривожланган давлатларида ядроий ва узоқ масофали юқори аниқлиқдаги қуроллар, ривожланаётган мамлакатларнинг маълум қисмида эса разведка, навигация ва бошқаришнинг самарали тизимлари мавжудлиги оператив санъатнинг беқиёс ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Демак, оператив санъатнинг беқиёс ривожланишига катта туртки берган ва стратегиянинг ривожланишига асос бўлган урушларга экскурс қилиб асосий элементларини қисқа кўриб чиқамиз. НАТОнинг ЮИРга қарши 1999 йилда 78 кун (26 март – 10 июнь) давом этган ҳарбий ҳаракатлари Европа тарихига қўхна қитъанинг энг фожиали саҳифалардан бири сифатида кирди. Операция доирасида 78 кун давомида жанговар авиациянинг самолёт-парвозлари амалга оширилиб, денгиздан ва ҳаводан учирилган қанотли ракеталар қўлланилди. Европанинг ҳеч бир давлати Иккинчи жаҳон урушидан бери тинч аҳоли ва фуқаровий иншоотлар инфратузилмаси бу даражадаги самовий воситаларни ялпи қўллаш орқали талафот етказилишини ўз бошидан кечирмаган эди. Бу операция бизга “контактсиз (без контактный)” жанглар номи билан танилди.

Тажовуз олиб борилиши ва унинг яққол кўзга ташланадиган натижаларининг таҳлили, тажовузнинг асосий муддаоси НАТО раҳбариятининг жаҳон ҳукмронлигига давомиши ва альянснинг Европадаги ўзига хос ҳарбий-миршабона аҳамияти тўғрисида жар солиш истаги бўлган, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Буларнинг барчаси Шимолий Атлантика альянси эволюциясининг мантиқий натижаси бўлиб, унинг ҳарбий-сиёсий раҳбарияти ушбу стратегияни юқорида баён этилган операциялар ёрдамида амалда Ироқ, кейин Югославияда синаб кўргач, қатъий равишда ҳарбий кучга таянган диктатура жаҳон тартибини ўрнатиш курсини танлади.

Умуман олганда, шуни таъкидлаш керакки, асрлар бўсағасида АҚШ ҳамда унинг энг яқин иттифоқчиси — Буюк Британия минимал даражадаги кишилилк ва

моддий ресурслар билан қуролли тўқнашувларда ғалабага эришиш тажрибасига эга бўлди. Кейинроқ ушбу амалиёт турли ҳарбий низоларда, жумладан, Афғонистон Ислом Республикасида 2001 йили октябрь-декабрь ойларида (“Енгилмас озодлик” операциясининг фаол босқичи), Ироқда 2003 йили март-апрель ойларида (“Ироққа озодлик” операциясининг фаол босқичи), Ливияда 2011 йили (НАТОнинг “Бирлашган ҳимоячи” ҳаво операцияси) ўтказилган ҳарбий операциялар давомида янада такомиллаштирилди.

Операциялар мақсадига эришишда ХҲК ва ҲДК, разведка ҳамда юқори аниқликдаги қуроллар ролининг ошиш тенденцияси ҳарбий жиҳатдан тасдиқланди. Биргалиқдаги вақт ва макон бўйича фазода, ҳавода, денгизда ҳамда қуруқлиқдаги ягона тизимга интерграллашган разведка ва талафот етказиш воситалар қўллаш концепциясини амалга ошириш юқори аниқликдаги тизимлар ривожланишида яна янги босқич бўлди.

Сурия Араб Республикасида ИШИД террористик ташкилотини яксон қилиш бўйича Россия ҳаво-космик кучлари ушбу операцияни ўтказиши. Бунда жанговар ҳаракатлар ҳудудини изоляция қилиш душман коммуникациялари ва яқинлашиб келаётган захираларига авиация зарбаларини бериш орқали таъминланган. Бунда устунлик, одатда ҳамла қилаётган томонда бўлган, сабаби отиш воситаларининг талафот етказиш масофаси катта бўлган ва авиация қўллаб-қувватлашидан фойдаланишда кенг имкониятларни туғдирган.

Умуман олганда, ҳарбий санъат мазмунининг ўзгарганлиги ва улар ҳаво-денгиз хусусиятини очиқ кўрсатиб бермоқда деган хулоса қилиш мумкин. Асосий зарбдор қуч роли бутунлай авиация, шу билан бирга палуба авиацияси ва қанотли ракетлар билан қуролланган жанговар кемалар томонга ўтди.

2020 йил сентябрь-октябрь ойларида бўлиб ўтган **Иккинчи Қорабоғ уруши**, Озарбайжон қўшинларининг авиация, зирҳли техникалар, артиллерия, зарбдор УУА ларини “темир мушт” номли қарши хужум операцияси доирасидаги хужуми яна бир бор “**ким ҳавода устунликка эга бўлса у ерда хўжайин**” қоидасини тасдиқлади.

Ҳарбий-сиёсий қарама-қаршиликнинг яна бир янги элементи бўлиб ҳарбий ва оператив санъатга кириб келган “консциентал урушлар” бўлди.

Консциентал уруш — бу қарама-қарши томоннинг онгини бузиш ва қайтадан куриш билан боғлиқ бўлган уруш. Айrim ҳарбий олимлар фикрига кўра, урушнинг ушбу шакли замонавий дунёда жуда муҳим саналади. Ушбу ибора остида олиб бориш шакли бўйича психологик уруш, қатнашаётган томонлар таркиби бўйича цивилизациялашган ва воситалар бўйича ахборот урушлари тушунилади. Уларда бузиш ва шаклан ўзgartiriш обьекти — “душман” ҳалқ қадриятларига йўналтирилган бўлади. Бунинг натижасида, бироз ортиб бораётган эҳтимоллик билан, иқтисодий ва бошқа моддий ричаглар

таъсирида алмаштирилган мақсадлар инсон манфаатининг яхшиланиши деб қабул қилинади ва аҳолининг бирламчи мақсадлари иккиламчига, учламчига ва янада пастроқ даражага алмаштирилади.

Стратегик мақсадни белгилаш ва амалга ошириш нафақат элитага мансуб, халқ ёки цивилизация субъекти бўлиши ҳам мумкин. Шундай қилиб, цивилизациялар қарама-қаршилиги шароитида “Консциентал уруш” — шундай зарар ва зарбалар билан цивилизацияни ўз томонга оғдириш имкониятини берадиган уруш. Бунинг натижасида худудни босиб олишнинг ҳожати қолмайди, чунки фуқаролар ихтиёрий равишда душман тарафига ўтиб олади.

Умуман олганда, бугунги кунда замонавий гибрид аталмиш урушларда ғолиб бўлиш ҳамда душман худудини эгаллаб олиш етарли эмас, тинч аҳолини ҳимоясини таъминлаш ўта мушкул вазифага айланди. Мутахасислар фикрига кўра ушбу урушларни олдини олиш йўлларидан бири, бу урушларни туғилишига имкон яратоётган мавжуд ички муаммолар ва зиддиятларнинг ечимини топишидир.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, глобаллашув жараёни натижасида қуролли можароларнинг классик тушунчаси ҳам анчагина ўзгаришларга дучор бўлди. Яни мутахасислар таъкидлашича бу, янги пайдо бўлган уюштирилган зўравонликнинг омиқтаси бўлмиш, уюшган жоноятчилик ва инсон ҳукуқини оммавий бузилишидан ташкил топган урушнинг аралашмасидир.

Хулоса қилиб айтганда, XXI аср армияси, энг камида қўшинларни бошқаришнинг умумий жанговар тизимиға интеграллашган (бирлаштирилган) космик навигацияга эга бўлиши кераклигини кўрмоқдамиз.

Узоқ масофали юқори аниқликдаги қуролга эга душман билан урушда, жанговар ҳаракатларнинг қуруқликдаги фазасини биринчи босқичидаёқ “контактсиз” урушни унинг учун энг номақбул бўлган “контактли” урушга айлантиришга ҳаракат қилиш зарурлиги энг асосий сабоқ деб хисоблаймиз.

Шу сабабли нафақат душманнинг ҳужумини қайтарадиган, балки босқинчининг қуруқликдаги қўшинлари жанговар тартиби билан бевосита тўқнашувда ҳужум ва қарши ҳужум ҳаракатларини олиб боришга тайёр қўшинлар гурухини олдиндан ташкил этиш аҳамияти ошмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – ЎзМЭ 2 “Бешик-Гидрофизика”, ДИН. Т.: 2001. С.85-86.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2018 йил 10 январь Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик Кенгайтирилган йигилишидаги чиқишидан. // Халқ сўзи. – 2018. – 11 январь. №6.



3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Қуролли Кучларни ташкил этилганлигига 28 йил, Ватан химоячилар куни муносабати билан байрам табригида. // Ватанпарвар. – 2020. – 17 январь. №3.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг вазирлик ва идора раҳбарларлари билан йиғилишдаги маърузаси 22.11.2020. www.gazeta.uz/ru.
5. Chandler D.G. The Campaigns of Napoleon. N.Y., 1966. Русское издание: Чандлер Д. Военные компании Наполеона. Триумф и трагедия завоевателя. - М., 1999.
6. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ахборот бюллетени. ЎР ҚҚ Академияси нашри. – 2015. – 2-сон. – 172 б.
7. Yangi avlod kitoblari O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi Umumiy taktika. O'R QK Akademiyasi nashri. – 2022.
8. Yangi avlod kitoblari O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi Operativ san`at. O'R QK Akademiyasi nashri. – 2022.
9. Традиционная война стала раритетом - <http://www.rol.ru/news/misc/newsreg>

Манзил:

100023, г. Ташкент, Мирзо Улуг'бекский район, ул. Паркент-2 Академия ВС РУ.

Тел.: (+998 71) 289-97-22, 289-97-17

Факс: (+998 71) 268-02-70

E-mail: akaduz@umail.uz

akaduz@yandex.ru

E-xat: so-akadvs@exat.uz

